

МАЪНАВИЯТИ КЕНГ ВА АЙНИ ВАҚТДА ҚИСМАТИ ОҒИР КЕЧГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАҚИҚАТГА ТАШНА ВА ҲАҚИҚАТ БЎЛГАН ХАЛҚҚА БАҒИШЛАДИЛАР



АЛИШЕР НАВОЙИ
ҲИҚМАТЛАРИДАН
Ҳар кишиким топса даврон
ичра жоку эътибор
Ким, анинг зотида бедоду
ситама бўлмай қилги.
Яхшилик гар қилмаса, бори
ёмонлик қилмаса,
Ким ёмонлик қилмаса,
қилганча бордур ахшилик.

Агар бор эса поклик
нияти,
Анга ёр улур поклар
ҳиммати.
Керак оғзи поку сўзи дағи
пок,
Яна кўнгли поку кўзи дағи
пок.

Кимки, бир шиддат аро
сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу
хорини гул айлади.

Ушоқ қанд оқ тузга
монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири
қанд эрур.

Қачон сочса тупроққа
бугдой биров,
Йўқ имконки ул арпа
қилмай даров.

Эл қочса бироздин эл
ёмон бил ани,
Аҳволида идбор нишонин
бил ани.

Элга қўшулмай оройиш
топти,
Элдин узулган осойиш
топти.

Ҳар югурган ёвушмас,
Ҳар айрилган қовушмас.

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим

Тўмарис



Эрамаздан аввалги VI аср ўрталарида қудратли форс давлатининг подшоиси Кир Урта Осиё сари юриш қилди (529-йил). Ушанда истилочиларга қарши бутун халқ курашга отланди. Ҳал қилувчи жанг Амударёнинг сўл соҳилида бўлиб ўтди. Бу ерда массагетларга эри ва фотидан кейин подшо бўлган Тўмарис исми аёл бошчилиги қилди. Юнон тарихчиси Геродот: «Бу жанг қабиладар ўртасида бўлиб ўтган ҳамма жанглардан энг ашаддийси

бўлган, деб ўйлайман», деб ёзган эди. Тарихчи «Тарих» китобида ушбу уруш ҳақида яна шундай дарж этади: «Авал бошда айтишларича, иш бундай бўлган: инкада қўшин ўз жойида туриб, бир-биринга ўқлар отиб турган. Ўқданлар бугагадан кейин улар қилч ва найза жангига кирганлар. Бу жанг узоқ давом этди, ҳеч ким қочини истамаган. Ниҳоят, массагетлар ғолиб келганлар. Форс қўшинларининг асосий қисми тор-мор қилинган. 10

минг жангчи ва қарийб 30 йил подшолик қилган Кир ҳалок бўлган.

Хикоя қилишларича, Тўмарис одам қонига тўла мешага Кирининг узилган бошини тўқиб бундай деган экан: «Сен ўзингни жангда мағлубиятга учратган мендек аёли маккорлик билан ўғлидан маҳрум этиб хароб қилдинг, мен эсам сени қонга тўйдирдим». Тўмариснинг бундай улғувор мардлиги ва жасорати халқимизнинг озоқлик ва ҳур яшашга бўлган иштиёқининг буюк рамзи бўлиб қолган.

СПИТАМЕН

Юнон ҳукмдори Искандар Зулфарнайн эрамаздан аввалги 329-йилда Урта Осиёга бостириб киради. Ярим дувёни олган жаҳонгир қўшинларига қарши халқимиз яланг қилчи кўтариб чиқди. Юртдошларимизнинг бошқинчи ёлларга қарши курашига Спитамен исми мард баҳодир бошчилиги қилди. У Сўғда ва Бақтрияда умум-халқ ҳаракатларининг бошида турди. У қўқисдан пайдо

бўлиб душманга шундай зарба берар эдики, ёллар сон жиҳатидан устун бўлсаларда, мард баҳодирнинг ҳамласига дош беролмай тум-тарақай қочинар эди. Спитаменнинг обрў-эътибори кун сайин ўсиб, унинг лашкари ҳам кўпайиб борар эди. Курашни давом эттиришга интилган бақтрияликлар, сўғдлар, массагетлар унга тинимсиз мадад бериб турар-

дилар. Кўп ўтмай унинг қўшини 3 минг кишига етади. Бироқ Багам деган жойда юнонларнинг сон жиҳатидан устун ва мунтазам қўшинлари устун келади. Жанг қилиб турган пайтда кўпчилик Спитаменга хиёнат қилиб Искандар томонига ўтиб кетади. Спитамен хонларча ўлдирилади.

Қаҳрамон аждодимизнинг жасорати халқимизнинг қанчалик кучли ва маҳобатли бўлмасин, бошқинчи ёлларга бўйин эгмаслиги ва ватанининг ҳар бир қаричи учун жон олиб жон беришининг тарихий гувоҳидир.



Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда «Темур тузуклари»ни ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топандек бўламан.

Ислом ҚАРИМОВ

ЖАҲОНГИР АЙТАДУРКИМ:



Таърихдан ўтказдимки, кенгаш агалари бирлик, иттифоқлик билан сўзга собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-аҳсон ишларин билан одамлар кўнглидан жой олдим. Золимлардан маълумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарни исботлаганимдан кейин, уларни шариятта мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим. На бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим...

Саййидлар, уламо ма-шойиҳ, оқилу донолар, му-ҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматини жойига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим. Чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайдилар. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниъти, тоза қалб кишиларга талинлардим. Уларнинг ҳамма ҳимматларидан улushi тилиниб, муборак нафаслари билан дуои фотиҳа бериш-

ларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнглиларини оғир-тимадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуқни ва оғзи шалоқ одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ёйбат қилсалар қулоқ солмадим.

Раият аҳлидан оғоҳ бўлдим, улугларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ерининг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму, одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашрофу-улугларини ва бузуқларини билан ошно туттидим... Ҳар бир динёр аҳолисининг аҳво-лидан оғоҳ бўлиб турдим...

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоғлар қуришни йўловчи мусофирлар учун йўл устидея роғотлар бино қилишни, дарёлар устидея кўприклар қуришни буюрдим.

Очiq юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан

иш юритиб, жабр-зулудан узоқроқ бўлишга интилдим.

Ҳанимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳаддислар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Муҳаддислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа тарихини чизардим.

Ўғрилар хусусида буюр-димким, улар қаерда бўлмасин, тутиб олиб жазолансин. Кимки биронинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, маълумининг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар...

Ўз таърихдан билдимки, содиг ва вафодор дўст улким. Ўз дўстидан ранжимайди... Агар керак бўлса дўсти учун жонини ҳам аямайди. Яна ўз таърихидан кўрдимки, ақлли душман жоқилу нодон дўстдан ахшироқ экан...

Амр этдимким, ранаддан мол-хирок йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан, ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақла-ниш керак...

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи шахслар тарафидан обод қилинсин...

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»дан.

САВОБЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ

«Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмонидек олим чиққан эмас». Имом Аҳмад ал Марвзий (IX аср) ...Мустиқиллигимиз байрами кунларида имом Бухорийнинг асарлари ўн икки асрдан бери мусулмон оламининг илму урфони, маънавият кўши бўлиб келаятгани, ул зоти олий руҳини ёдлаш, ҳурматини жойига қўйиш фарси етгани ҳақида фикрлар айтилган ва бу ташаббусни юртбошимиз қўллаб-қувватлаган эди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг давлати билан Ислом динини ўрганиш Оксфорд маркази ўртасида тузилган битимга мувофиқ Самарқанддаги Имом Бухорий масжидини қайта тиклаш ва ҳадислар ўрганиш маркази-



ни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Яқинда республика Маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгор-лиқлари илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг

бошлиғи, шарқ мамлакатлари халқаро меъморчилик академиясининг академиги, профессор П. Зоҳидов, Самарқанд меъморий йўргазмасининг директори Ш. Файзиев марказнинг таълифига кўра, Оксфордга бориб келди.


— Марказ Самарқанднинг қаерига қурилади? — У Самарқанддан 25 километр нарида, — Пайриқанд.

туманининг қадимда Хартаун, ҳозир, эса имом Бухорий номи билан аталган кишлоқда қад кўтарди. Вилоят ҳокимлиги 40 гектарга яқин ер ажратиб берди. Таълово дастури ва шартига биноан минг киши ишбод қилади-ган масжид, 300 талаба таъсил оладиган мадраса, 200 минг китоб жамғарма-сига эга кутубхона бунёд этилади. Таъдбалар, мулар рислар, бошқа хизматчиларга мўлжалланган бинолар, чойхоналар, савдо рас-тилари, оромгоҳлар қури-лади. Ҳозиргача сақланиб қолган харобалар, асорати-қалар таъмирланади, улкан боғ яратилади.

Республика Фанлар ака-демияси, тегишли вазирлик-лар ва ташкилотлар, ҳоким-ликлар октябр ойда бў-ладиган таъдбирга қизғин таъйёрларин кўрмоқда. Зе-ро, у эълигимизни тегароқ англашга, асрлар қатида чанг босиб ётган қадрият-ларимизни тиклашга хизмат қилади, аждодларимиз руҳи шод бўлади.

Баҳоидр АБДУЛЛАЕВ.

«Зижи Кўрагоний» жилолари



Улугбек тиббиёт ва мусиқага ҳам қизиққан, ашроқлар эъ-жиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли қури-лишлари поёнига етказилди. Бундан ташқари яна талай-тайла жамоат бинолари ҳам барпо этган.

Мирзо Улугбек 1394 йил 22 мартда, Темурнинг ҳар-бий юриши вақтида Султония шаҳрида (ҳозирги Эрон худу-дида) туғилган. 1449 йили ок-тябрь ойининг охирида Самарқандда вафот этган. Улугбек — буюк ўзбек фа-лакитчиси, ва ривзиони, дав-лат арбоби эди. У Урта Осиё халқлари илм-фани ва мада-ниятини ўрта аср шароитида дунё фанининг олдинги са-фига олиб чиққан олимлардан биридир.

Мирзо Улугбекдан жаҳон фани ва маданияти ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган катта илмий ва маданий ме-рос қолган. Шулاردан бири «Зижи Кўрагоний» номи фа-лакитга доир мадад ҳисоб-ланади. Ушбу асарда Улугбек расадхонасига олиб борилган флакитга доир кузатишлар асосида тузилган жадаллар ўз ифодасини топган. Тарихчи Давлатшоҳнинг ақидача, Ул-угбек хандаса борасида За-килга, флакит соҳасида Птолемейга ўқшарди.

Шу билан бирга, Мирзо

ди. Польшада 1690 йили фа-лакитчи Ян Гевиллий (1611—1687)нинг латин тилида нашр этилган «Юлдазар осмони-нинг атласи» номи асарига Улугбек ижодига катта ўрин берилди. Шунингдек, буюк бо-бонининг илмий меросини инглиз шарҳуноси Т. Хайд, француз фалакитчилари Ж. Деламбер (1749—1922), Л. Се-дийо (XIX аср) немис фала-китчиси К. Петерс (1806 — 1880), кейинчалик немис шарҳ-шуноси К. Брокельман (1868 — 1956) ва бошқа ову-ролик йирик олимлар атрофи-лича ўргандилар, зикрини эса, турли тилларда Оврупо ҳамда Америкада қайта-қайта chop этилар. Туркия, Эрон, Афре-нистон, Ҳиндистон ва Овру-о мамлакатларининг кўп олим-лари Улугбекнинг таъдиқот усулларидан фойдаландилар, унинг расадхонаси шаклидаги расадхоналар қурдилар. Кейинги йилларда Мирзо Улугбекнинг илмий ва мада-ний фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқиш айниқса кў-пайди. Жумладан, академик Т. Н. Қорин-Низвий экинчи даф-дан кўрақ этилди. Улугбек ва Қошйи томонидан бир граду-сул йилининг синусини аниқлаш методиди ишлаб чиқилди. У вақтларда тақомиллашган ку-си эътиборга олинган, Мирзо Улугбек қўйиш ва ой харакати-нини тўғри ҳисоблаган, унинг ҳисоблари ҳозиргисидан жу-да кам фарқ қилмади.

«Зижи Кўрагоний» Улугбек вафотидан сўнг кўп ўтмай, Оврупо маданий дунёсига ки-риб Борнида, Хусусан, 1643 йи-ли Оксфорд дорилфунунида асарини Ж. Фрес (XVII аср) таъйёрлаган нусхаси нашр этил-

ОНА ЮРТ ҲАЖРИДА

Бобур ва Фурқат... Ўзбек классик адабиётининг бу йирик намуналарини тақдирини бир-бириникига жуذا ўқшам.

Ўтишди, Бироқ ул зотларнинг пок руҳлари доимо сизу биз билан бирга. Келинг, азизлар, бугунги нузли кунларда За-ҳридидин Муҳаммад Бобур ва Зокирхон Хол-мухаммад ўғли Фурқатнинг юрт ҳақида бит-ган муборак ашроқларини такрор ёд айтилайки. Амминимизки, муқаддас катироб тепчиб турган ушбу қаломлар Ватан тўғриси нақадар улуг тушунача экингимизни яна бир қарра ёдга сола-ди.

БОБУР



Толй йўқ жонимга баололи бўлди. Ҳар ишнинг айлади хатолиг бўлди. Уз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим. Е раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

Ким кўрибдур, эй кўнгул, ақли жаҳондин ахшилик, Кимки андин ахши йўқ, кўз тутма ондин ахшилик. Бу замонни нафъ қилсам айб қилмай, эй рафиқ, Қилмадин ҳаргиз кетайин бу замондин ахшилик. Дираблардин ёмонлик келди маҳзун кўнгулма, Келмади жонимга ҳеч ором жондин ахшилик. Эй кўнгул, чун ахшидин кўрдунг ёмонлик асру кўп, Эмди кўз тутмас не эъни ҳар ёмондин ахшилик.

Бори элга ахшилик қилғилики, мундин ахши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин ахшилик. Ахшилик ақли жаҳонда истама Бобур ким, Ким кўрибдур эй кўнгул, ақли жаҳондин ахшилик.

Ед этмас эмши, кишини гурбатда киши, Шод этмас эмши, кўнгулни меҳнатда киши. Кўнгул бу фарбида шод ўлмади оқ, Гурбатда севинмас эмши албатта киши.

ФУРҚАТ

Одам эрмас ҳар киши гар айламаса ёд Андижон, Чўк мусофир хотирин айлаб турар шод Андижон. Айл чашми бирла боқсун эи-басорат ўлса ким, Балдан маҳруси Ҳўнда ичра обод Андижон. Шодини то Рум ўз маҳруйин айлаб юлвагар, Мисрга втурди бу маънида ирод Андижон. Оташин киштила мулки Русия сайр айлағач, Оқи дорд олур ила дер эрдн шаҳзод Андижон. Дўна-дўна ҳамроҳина дер бу ишда ҳақ тоиуқ, Эти ҳасратга бани албатта муътод Андижон. Тари ўлмаз соқийн гўлчехра бирла бодаси, Откуна то субди маҳару боза инкод Андижон, Умри кесури даҳр аро Мажнун каби ҳар кимсан Қадрига етмай эдар ўлса ёмон од Андижон. Уга мулк одаларин, ҳаргиз тааруз этмағиз, Балда мидодинди эрмас, ул тўдоод Андижон. Балки бир Юсуф каби Ширин адони ишқиде Гўстарур Фурқат сенингдек неча Фарҳод Андижон.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУГУН ФАҚАТ БИТТА ЙЎЛИ БОР, У ҲАМ БЎЛСА—ЎЗИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ФАҚАТ ОЛФА ЮРИШ. БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ.

Маънавият — истиқлолнинг таянчи

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ ЭРИН ВОҲИДОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Эркин ака, яқинда Президентимизнинг жумҳурият аъзолари билан бўлган учрашуви Сизда қандай таассурот уйғотди? Президентимизнинг қалам аҳли билан ўтказган мулоқоти тарихда қолдириган учрашуви десак, ҳеч муволаға бўлмайди. Чунки, халқимизнинг бугунги долғали тирикчилик ташвишига ўралашиб қолган бир даврда Президентимизнинг маънавиятни биринчи ўринга олиб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари кишини ҳайрат қувонтиради. Ҳақиқатан ҳар қандай жамият қанча...

лик қудратли, бой бўлмаган, у маънавиятни биринчи ўринга қўймас экан, ҳеч қачон узоқ яшолмайди. — Йўлбошимиз сизлар билан бўлган учрашувида мустақил давлатимизнинг бўлажак мафқураси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Сизнингча ушбу мафқуранинг бош ғоиси сифатида нимани асос қилиб олишимиз мумкин? — Бунга Президентимизнинг тўртта китоби яққол асос бўла олади. Шунингдек таниқли ёзувчиларимизнинг ватанпарварлик ва миллий ғурур билан сугорилган асарларидан ҳам кириштириш мумкин. — Агар ўтмишга назар соладиган бўлсак, Темурийлар авлоди инқирозга юз тутгандан буён ягона миллат сифатида шаклланишимиз жуда қийин кечаяпти. Бугунги мустақил шартларда ҳам шу муаммо долларб бўлиб турибди. Ҳатто бу ҳақда Президентимиз ҳам ўзларининг нутқида кўп ва хўп тасвирлади. Демакчиликни, ҳали ҳам маҳаллийчилик балосидан қутулмоқчимиз. — Ўтмишда ҳам худди ана шу кўсуримиз бошимизга кўп...




— Президентимиз қалам аҳлига қарата: миллий ғурур, миллий ҳисни жуда ахши англайдиган кишиларсиз дебди. Лекин ана шу маззун ёритиш борасида, газета ва журналларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз? — Очиғи газеталарнинг бу борадаги чиқишлари унча...

лик қониқмайман. Рўнома ходимлари Президентимизнинг аъзолари билан бўлган учрашувидан ўзларига керакли бўлган хулосаларни чиқариб олади, деган умиддаман. — Эркин ака, балки яна муштарийларга айтиб улгуролмаган гапларингиз бордир! — Шу нәрсасга халқимизнинг алоҳида эътибор беришини истардимки, ҳеч қачон бир тузумдан бошқа тузумга ўтиш осон кечмаган, Шу жумладан, эндигина мустақилликни қўлга кириштириб, жаҳон сари интилаётган мустақил давлатимизга ҳам осон кечмаёпти. Лекин буларнинг ҳаммаси ўткинчи, шунинг учун ҳам халқимиздан сабрбардош, инсоф-этиқод тилайман. Сўхбатдош: Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ аъзаси

Ўзбекистон—келажаги буюк давлат



СИЁСИЙ ШЕЪР

Президентимиз хурматли Исмоил Қаримов жаҳондаги буюк мамлакатлар раҳбарларини қабул қилганидан гўзал қошонга, 23 апрелда бир гуруҳ аъзоларини чорлаб, тўрт соат давомида истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш муқаддас ғоямиз экани, қалам аҳли олдига турган ҳақтий масалалар ҳақида суҳбатлашди.

Эй, улуг халқ, жондош ватан, ота халқ, забардаст халқ! Меннинг кўзларим билан кўрсинлар жамолнинг. Гуллаш замонинг келди, дегиз каби чайқал, балқ, Минг ашаймиз, кўргаймиз беқисс намолнинг. Тузамиз Ота юрда Темурий буюк давлат, Лекин қон тўқилмаган, ақлу заковат ила, Дўсту садоқат ила, меҳру саховат ила, Кўнгли пок пахлавоми меҳнат-ла тўқиб савлат, Ўзбекистон қимлигини дунё албатта билар.

Қатламдан топилгандай бебаҳо, ноёб гавҳар — Халқ ичидан топдик биз жасоратли раҳнамо. Йироқман хушомаддан, дилдаги олтин лавҳа: Кўшли кунларда ҳам, баҳорда ҳам, ёзда ҳам, Бирмиз, биргамиз ҳатто қовоқ солганда само... Жаҳон бизни таниди, Ўзбекистон ватаним... Номинг етди элларга бу қурран замкида. Узянгизга ишонган фидо қалб билмай тиним, Меҳнат қилар, яратар, оташ бордир танда. Навоий ҳайалининг меъморисиз. Ташаккур! Оқланди, азиз элда Рашидов ном-поки. Яхшиликни билмаган у номлардир бўлсин кўр! Иғво-тўқмаларнинг тамом сўқилди чоқи.

Рўқимизга ёт ғоялар ачитди миямизни, Сажда қилдирди зўрлаб, қиблаг, деди Кремль! Тоза овора бўлди бўйин йўнларини деб, Бош эмасак мўғулдек куйдирди уйимизни, Узингмас, бойликларинг бу бизга керак, деди бил!

О-о, менинг онагиман, уқубатда ўтган умр, Қабригизни қучоқлаб йиғлайман, улкан дардим... Биз учун шавторда ашадигиз... Бу, эмас сир, Истиқлол халқларни қўқинишга тиллардим.

Ғоямиз — халқу ватан бўлсин деймиз барномаю, Бизни қўйдан сўймас энди бузу келгинди. Хонлар сабаб бўлиб, бахта етмасан завов, Мустақиллик, эркинлик, бахту қиёбол келганда.

Жасорату садоқат асрар ҳар фалонватдан, Ҳилпирасин бош узра музаффар лозан байроқ. Ота юрт, она тилим сақлайди ҳалокатдан, Юрқаданг эл меҳри ҳамма нарсадан бойроқ.

Уз эри, ўз ҳуқуқи, бахтига ўзи эга — Ўзбегим энг шимларган, пахлаво кийган этни. Ўзир бор ҳасса йўқотдики, ана йўқотмоқ нега! Таланамиз хор бўлиб, тут азизим қаддинг тин!

Тандирим ҳал этилган экан, ҳатто тилим ҳам Занглаб, тамом чиршига этилган эди маҳдум. Эй, азизим Истиқлол, Президент, буюк Халқим, Сен бизни сақлаб қолдинг, тутгади бузу ҳўки.

Кўп силпи, хўро овоз, ваъдабоз касни кўрдим. Ёр яқрираб қушдек сўнгра абдий сўндим. Бегунох ватандошлар устидан қилди зўрлик, «Ўзбек иши» сабабли не-не мардлар кўз юмди...

Офтобда кифти қуймай бировлар пахтаэмзин Шилб олди, қоракўл кўзочқон шилғандей. Тилимни тиниб қўйдим: «Ўзбекчада йўқ тамиз», Кўчаларим номланди ёт, ўзга номлар билан. Сурбепларча иш тутдирлар тарихимни билгандай...

Бир киши арқ қазир, минглар уйдан ичар суу — Юртин обод қилмоқлик бизнинг олий мўддо. Гузал юртим боғбон чинор узрини кўрсин. Оллоҳ Сизни қўлласин, қиламиз дийдан дуо, Қабригизни оч халқ ичра сен ҳам Аамир Мўхсин!

Ташкент, Апрель, 1993 йил. Фарҳод РЎЗИЕВ, иқтисод фанлари номзоди.

«КАТТА ОҒА» БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг асосий қийинчилик деб атаб, бунинг ГДР мисолида кўрсатди. Меҳнатга рағбатлантирувчи сабабларни ўзгартириш айниқса кўп вақтни талаб қилади. Коммунистик тизим незматларни марказлаштирилган тартибда тақсимлашга одалгани қолган одамлар авлодини тарбиялаб олишди. — Каримов олдинги тузумга ана шундай айб қўйди, бироқ ўша тузумда Каримовнинг ўзи масъулятли юксак лавазимни эгаллаб турган эди. «Бу ҳоқ одамларимизни бўлиб, улар ҳамма нарсани давлат беради, деб кўтиб ўтирадиган бўлиб қолишди». Вазиятни ўзгартириш учун дастурларнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун одамларни ўқитишни йўлга қўйиш керак, — дейди шу ишда биз Германиянинг ёрдамига умид қилмоқчимиз.

Умуман немис модели мақбул бўладими ёки аҳоли орасида анъанавий исломни қўмас ш ҳақлими? «Менимча Сизнинг аҳолимизда айкалган қилиш энг катта хавфдир», — деди Каримов. Ўзбекистонда ҳар қандай ақидопарастлик, бу Эрондан келтирилган ислом ақидопарастлигини ёки айрим тесқорчиллар оруз қилётган коммунистик ақидопарастлигини — унинг ҳар қандай турини Каримов ана шундай хавф деб билади. «Биз яқинлашадан холи бўлмоқчимиз, биз чегараларимиздан ташқариға чиқишни хоҳлаёмиз», — деди Президент. «Аслини олганда бизда жаҳон маърифатиға етиб олишининг атиги битта тез усули бор — қанча кўп шиларимиз ташқи дунё билан танишсалар, биз энг тазеқорини шу қадар тазеқор эгаллаёмиз, Оснб ва Америка миллатларини бирлаштирувчи умумбашарий қадриятларга шу қадар тазеқор етиб борамиз».

Каримовнинг фикрича, Ўзбекистон худди шу йўл билан

жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, ҳамда жаҳон иқтисодиётига яна бир омил бўла олади. Бу ишда Германия кўрсатадиган ёрдам Бонда сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги шартномани, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш чоғидак намоён бўлди. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик федерал вазирилик мақолаҳат билан ёрдам бериш тўғрисида ҳам Тошкент билан шартнома тузди. Бу шартнома ҳам бир-бирларига мутахассислар ва олимулларни юбориш ишига хизмат қилади.

Каримов ўз мамлакатининг Мовароуннаҳр давридаги қадимий маданияти ҳақида завқланиб сўзлар экан, Ўзбекистон Европа билан мулоқот ўрнатиш учун Россиядан кўпчилик сифатида фойдаланишни хоҳлайдими, деган саволга бундай жавоб қилди: «Биз Россияни ҳурмат қиламиз ва у билан минглаб ришталар билан боғланганми, лекин Европа билан муносабатларни ўзимиз мустақил равишда йўлга қўямиз. Ўтмишимиз тўғрисида ўз тасавуримиз бор, келажакимиз тўғрисида ҳам бизнинг ўз тасавуримиз мавжуд». Ўзбекистон воситачиларга муҳтож эмас, дейди Каримов ишонч билан.

Марказий Оснб Президентлари орасидаги энг кучли Президент МДХнинг 5 Республикаси (бу Республикалар орасида яна шу Ўзбекистон энг қудратли республика) ҳамкорлиги тўғрисида қандай концепцияга эга?

Каримов шу Республикаларни боғлаб турган ришталарни одамларнинг рўҳиятиға қараб санаб ўтади. Унинг сўзларига қараганда, давлатлар мустақил бўлиб қолишлари лозим, лекин улар танглидан биргаликда — ягона ҳамдўстлида туриб чиқиб олишлари лозим. Бундай ҳамдўстлида ҳеч қандай «катта оға» бўлмайди.

ди, Совет Иттифоқида Россия ана шундай «оға» эди. «Бинобарин ҳеч қандай диктатура ҳам бўлмайди», — деб илова қилади Каримов. Ўзбекистон қачонгача МДХ аъзоси бўлиши мумкин? Каримовнинг сўзларига қараганда, бундай тусдаги ҳамдўстлик ўтиш даврини батартиб равишда кечиш учун озми-кўпчилик федерал вазирилик мақолаҳат билан ёрдам бериш тўғрисида ҳам Тошкент билан шартнома тузди. Бу шартнома ҳам бир-бирларига мутахассислар ва олимулларни юбориш ишига хизмат қилади.

Россиядаги ана шу тамойиллар устуи келса, Ўзбекистон ўзини ҳимоя қила оладими? Шундай сиёсий қайфият мавжуд, деб таъкидлайди Каримов. Эҳтиром тутилган реакция ўнтартишни «бизнинг мустақиллигимизга бевосита хавф, деб таъбир қилмайди. «Биз ўзимизни ҳимоя қила оладими» ёки «йўқми — бу жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан Германияға ҳам боғлиқ», — деб қатъият билан таъкидлайди у.

Каримов «инсон ҳуқуқи ҳимоячиси» Пулатов тўғрисидаги савола божилик билан жавоб қайтаради. Халқаро афқор омманинг норозилигидан сўнг Ўзбекистон ҳўқуқати уни оозодликка чиқарган эди: «Има билан шуғулланаётганини билмайми. У Москвада ўқийди. Докторантурадаги 8 аспирантурадаги таълим олади». Бу ўринда шундай хулоса чиқариш мумкин. Мўҳлифатга ҳақдан ташқари кўп эътибор бериб, шу йўл билан унинг «оборусини» ошириш нотўғри. Ҳўқуқат /ўз ҳаракатлари билан Пулатовга обрў келтирди, энди бундай иш бўлмайди.

(«Франкфуртер Альгемайне» газетасининг 1993 йил 30 апрел сонидан).

ОЛИЙ КЕНГАШ ҚЎМИТАЛАРИДА

Ўтган кун Иқтисодий ислоҳот, бюджет сисбати ва маҳаллий ўзин-ўзи бошқариш қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлиси шу қўмита раиси Э. Н. Хўжаев бошқарди. Комитет аъзолари ва мажлисга таклиф этилганлар республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашнинг навбатдаги босқичда банк фаолиятидаги пул-кредит сисбати, маҳаллий солиқлар йиғимлари ҳақида пул муомалаларига тааллуқли олдидан турган бир қатор ҳаётий зарур масалаларни қизгин муҳокама қилдилар.

Комитет мажлисида Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкининг бошқариши Р. Азимовнинг Маданият ва маданий меросини асраш масалалари комитети мажлисида комитет раиси П. Қодиров раислик қилди. Ингилишда Олий Кенгаш сессиясига тақдим қилинган «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этилиши комитет аъзолари томонидан тўла қўллаб-қувватланди, Ўзбекистон Республикасининг ордени ва медалларини таъсис этиш ҳақида янги алифбога ўтишга тайёргарлик ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳўқуқ-тартибот масалалари қўмитаси йиғилишини унинг раиси Э. Халилов олиб борди. Комитет аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Вазирилар маҳкамасида тўғрисидаги қонун лойиҳасида Вазирилар маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳўқуқати сафатида унинг ҳўқуқ ва бурчлари ўз аксини топганлиги эътироф этишди.

Комитет йиғилишида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Айрим қонун ҳўқуқатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ҳамда «Давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги», «Маҳаллий давлат ҳўқимияти тўғрисидаги» қонунлар лойиҳалари ҳўқуқати ҳақидаги қўйилган маасалалар юзасидан қўмитет раиси Ш. Мирзоев ҳамда комитет аъзолари И. Бурҳонов мазруза қилди. Ҳар икки масала юзасидан қизгин баҳс-мунозара бўлди. Комитет аъзолари, таклиф қилинган вазирилик ҳақида маҳкам ходимларни қонун лойиҳасидаги фикр ва мулоҳазаларини баён қилишди. Ветеранлар ишлари ва ёшларга доир сисбати комитети мажлисида шу қўмита раиси А. Азаматжўев бошинчилида асосан тўртта масала кўриб чиқилди. Унда комитетнинг 1993 йил иш режиси, «Фўқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Рес-

публика билан илгари ишлаб келган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хўсуслиштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Комитет йиғилиши муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди ва Олий кенгаш Раёсатидан уларни Олий кенгашнинг XII сессияси кун тартибига киритиш сўралди.

Ю. БЕКМУРОДОВ. Халқда қонун ижроси билан кучли, деган гап бор. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими комитети раиси Х. Усмонов бошқарувида ўтган мажлисда сўз асосан ана шу ҳақида борди. Мажлис кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва бошқарувида мазруза қилишди. Улар асосий диққат-эътиборни «Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг таърихи беришдаги роли ҳамда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласига қаратдилар. Барча қўмита йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Россияда — 87, Тожкистонда — 81 фоиз. Юқоридаги рақамларни умумлаштириб хулоса чиқарилган бўлсак, иқтисодиёти яхшиланган давлатлар раҳбарининг позицияси ва аҳолисининг асосий қисмининг фикри Ўзбекистон бошлиғи позицияси ва ўзбек халқининг оруз-истеъдаларига яқинлашажани сезамиз. Унинг моҳияти: ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚ. Илгариги кўприklar ёниб кетди. Энди бошқа, икки томонлама муносабатлар кўпригини қурмоқ керак. Мустақил давлатлар устидан қурилмаган ҳар қандай тизимлар СССРнинг бошқа бир шаклиға олиб келади. Кейинги қадамда эса иштиёр ҳам қўлдан кетади. Ва вақти келиб яна ажраллишга тўри келади. Бу дарсини ўтиб бўлдики, Бу шундай дарсини унинг тақорлар фақат кулфат қилди. Яқинда бир қаламаш дўстимдан сўрадим: — Сен Ўзбекистонни сева санми! — Ҳа, — деди у. — Не учун! — деб яна савол бердим. — Ўзбекистон менинг онам, онани севмай бўладими! Шундай ҳам савол қўйладими, ўзи! Онанинг ақли, ёмони йўқ! Агар Ўзбекистоннинг жами йиғирма икки миллион аҳолиси ҳам шундай жавоб берганда, ушбу мақолани азмаган бўлур эдим.

Фарҳод РЎЗИЕВ, иқтисод фанлари номзоди.

ВАТАН ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

Кейинги вақтларда Ватан фахри, миллат ғурури, шон-шаъвати-ни бахт-саодат мазуларни халқимиз Президентини фаолиятининг мазмунига ўзатиб келди. Бу ҳол Исмоил Каримов иштирокидида кўзга ташланаётган. Албатта, бу таассиф эмас. У турли хил сиёсий куллар мижбис, ҳархатта нисбатининг тақвими ва баҳосига асосланган. Бунинг Ўзбекистон истиқлоли, халқимиз эркин ва Жануб, ҳам Шимолдан хавф бор. Унга қарши кучли ва мустаҳкам маънавий қалъа, истеҳком қуриш, биринчи галги вазирига қўйилди. Ватан фахри, миллат ғурури тўғрисида унинг энг бақувват устуларидир. Юртимиз тўғрисида кўз олайтираётганлар, истиқболимизга даҳл этгаётганлар кимлар! Биринчиси, СССРни қўмсаётган уни қайтадан тиклашга уринаятган кимсалар. Булар собиқ Иттифонинг марказий идораларида ишлаган ва мустақилликдан роҳатланиб бузилган, юмшоқ курсиларидан ажралиб қолган, Лениннинг уч даражали эркинлик дарсини ўтаган фундаменталист коммунистлар. Иккинчиси, великошовинистлар, гекечепчилар, ампиловчилар. Булар дунёдаги янги вазиятни, сиёсий ҳарита ўзгарганини, мустақил давлатлар пайдо бўлганини, ҳар бир миллат ўз эркини, йўлини ўзи белгилаш ҳўқуқини тан олишини истамаядиганлар. Улар Россия катта ва текни бойлигидан ажралиб қолганини кўриб қолдилар. Уни қай-

лигини ҳеч қим билмасди. Ҳўзир уллар халқимиз иштирокиди, келажакимиз учун хизмат қилаётди. Ўзбекистон олтин бойлиги бўйича дунёдаги биринчи ўлкисиде туради, пахта экспорти бўйича эса жаҳондаги иккинчи давлатдир. Ўтган йили ташқи иқтисодий оборотимиз салкам икки миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. СССР даврида Ўзбекистон аҳолиси 70 фоизининг даромади яшаш минимумидан кам эди. Бу кўрсаткич Тожкистонда — 80, Туркменистонда — 60, Қирғизистонда — 57, Озарбайжонда — 56, РСФСР — 19,4, Украинада — 25, Белоруссияда — 18, Литвада — 12,7, Эстонияда — 12,9 фоизини ташкил қиларди. Энди бу кўрсаткичлар географиясига эътибор қилинг. Биргалича яратган моддий бойлигини тақсимлайдиган тароз ҳам бўзилганди. Унинг посангиси кўпроқ СССРнинг Европа қисми жумҳуриятлари фойдасига тош босарди. Ҳўзир эса аҳоли мулқоқ бошқача. Ўзбекистон ўз аҳолисини энг кучли ҳимоя қила билган давлатга айланяпти. Моделики ҳамон бозин бир давлат раҳбарлари ва сивасатдонлари ҳўзирги иқтисодий қийинчилик, миллатлараро ва этник низоларнинг асл сабаби СССРнинг парчаланиши дивертанлари ва аҳоли онига СССРни қайта тиклаш ғоясини сингдираётган экан, бундай позициянинг ил-

лигини бошқа жойдан изламоқ лозим. Иқтисодий соҳа тараққийоти кейси мамлакатда оғир аҳолида бўлса, ўша ерда экинни қўмсаш касали кучли бўлади. Аҳолини ҳар хил найрангларга нишонтириш ва миясини айлантириш осон, ҳамда СССРни тиклаш учун иқтисодий база яратиш ниҳоятда қулайлашди. Шу нуқтани назардан Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг иқтисодий аҳолисини таҳлил қилмаган бўлсак, фақат Россия ва Қозогистонда ишлаб чиқаришининг пасайиши ҳамон давом этаётганини кўрамиз. Нарх-навоининг кўтарилиши ва аҳолини ундан ҳимоя қилиш даражаси МДХ давлатларида қуйидагича: саноат моллари улгуржи нархи ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан Қозогистонда — 20,2; Туркменистонда — 11,8; Белоруссияда — 11,7; Қирғизистонда — 10,9; Россияда — 10,8; Ўзбекистонда — 8,9 марта ошган. Айни вақтда ижтимоий ҳимоя қилиш Молдовада — 15; Қирғизистонда — 28; Украинада — 21; Арманистонда — 26; Россияда ва Қозогистонда — 50 фоиз атрофида; Белоруссияда — 70, Ўзбекистонда — 100 фоиздан ортиқ даражада амалга оширилган. 1993 йил 1992 йилнинг шу даврига нисбатан истеъмол молларини ишлаб чиқариш Туркменистонда — 111, Ўзбекистонда — 106 фоизга ошган, Белоруссияда — 92, Қозогистонда — 89, Қирғизистонда — 75, Молдовада — 87,

Эй, улуг халқ, жондош ватан, ота халқ, забардаст халқ! Меннинг кўзларим билан кўрсинлар жамолнинг. Гуллаш замонинг келди, дегиз каби чайқал, балқ, Минг ашаймиз, кўргаймиз беқисс намолнинг! Ташкент, Апрель, 1993 йил.

БИЗ МАҲАЛЛИЙЧИЛИККА, ГУРУҲБОЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШИМИЗ ЗАРУР. ДУНЁДА ЎЗБЕК МИЛЛАТИ БИТТА. У ХОРАЗМЛИКМИ, ФАРҒОНАЛИКМИ, СУРХОНДАРЁЛИКМИ, ФАРҒИ ЙЎҚ—ЎЗБЕКДИР. Ислом КАРИМОВ

МИЛЛИЙ ҒУРУР ДЕГАНДА...

Қафасдаги қушчани кузатганмисиз? У темир тўрларга ўзини гирён уради. Агар ўша қушчани қафасдан озод қилсангиз, борми, у озодлик насилининг қўшғини куйлашнинг нақадор фараҳбахшлигини ҳис этади. Айтишчи, шундан сўнг ҳам қафасдан нафратланмасинми!


Ғурур, буюк ватандошларинг, адабидинг, санъатинг, жигарларинг, дўстларинг билан фахрланишдир. Халқнинг қўли, идроки, маҳорати, билими қад ростилаган осори-атиклар, халқинг ҳамда Ватанинг жаҳон тарихида бугунги мавқеи билан ифтихор қилишдир.

Анвар КАРИМОВ, Тошкент давлат университетининг доценти. — Миллий ғурур киндик қонинг тоғман макон билан, ўзинг мансуб бўлган халқинг билан, тарихинг, урф-одатла-

риг, буюк ватандошларинг, адабидинг, санъатинг, жигарларинг, дўстларинг билан фахрланишдир. Халқнинг қўли, идроки, маҳорати, билими қад ростилаган осори-атиклар, халқинг ҳамда Ватанинг жаҳон тарихида бугунги мавқеи билан ифтихор қилишдир.

Зарифа ЭРАЛИЕВА шоира: — Мен миллий ғурур деганда ҳеч қайси миллатга ўхшамайдиган ўзига хос тарбиямиз, ахлоқимизни тушунаман. Сўнгра бизнинг миллий ифтихоримиз тилимиздир.

Тўғри тил ҳақида қонулар, қарорлар чиқаяпти. Бироқ тилимизни ривожлантириш, тарғиб қилиш имконият даражасида бўлмапти. Ахир Навоий не-не машаққатларга қарамай ўз она тилини байроқ даражасига кўтарган, умрбоқий асарлар яратган эди. Ана шундай табаррук тилни қадри тушган пайтлар бўлди. Биз Ўзбекистон — бой дейимиз, дунё тан олган буюклар — Ибн Сино, Амир Темур, Беруний, Навоийлари бор деб ғурурланамиз. Бироқ уларнинг ҳаёт ва ижодлари ҳақида етарли билимга эга эмасми!



ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

Мухбиримиз Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейи директори Собир АҲРОРОВ билан суҳбатлади. — Президент Ислом Каримовнинг ҳарбий кадрларни тайёрлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганда кейин ҳаёлингиздан нималар кечган эди? — Агар ўшанда бир томондан лицейимизда мил-

килларида ҳарбий зобит чиқиши мушкул, деган ақида бизни ҳам мавҳ этиб бўлганда-да. Лекин... билим юртига ҳужжат топиришчиларнинг сони кескин ошиб кетди! Бир ўринга тўрт киши тўри келди. Ана ҳайратланарли жойи шундаки, зобит бўлишни ният қилган йигитларнинг аксарияти қисми республика миқёсининг чекка вилоят ва туманларидан келган ёшлар эди. Уларни қўриб, қўнғилим анча таскин топти. Демак, ёшлардан умид қилса бўлар экан, деган қилоса келган эдим. — Назаримда энг аввало ёшларда ватанпарварлик ҳиссини қамол топтириш лозим. Токи улар ота-боболари ким ва қандай ўтганлигини билб олшсин. — Ҳақ гап. Бунинг учун тарихга тез-тез мурожаат қилишга тўғри келади. Аммо афсуски бугунги кунга келиб дарсликлар талабга жавоб бермай қолди. Дарс жараёнида ўқи-

ЮРТНИНГ ШАЪНИ-ШАРАФИ МУҚАДДАСДИР

XX аср бошидаги миллий уйғониш — жадиличликнинг машҳур вакиллари Абдулла Авлоний ёзади: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳри ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсқан ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туғғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридан наби роҳат-роҳат яшамас. Машаити талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир ғушасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

дан улуг. «Хуббул ватан мин ал имон» — Ватанин семмак имондан, дейилади ҳадиси шарифда. Халқ орасида эса «киши юртида султон бўлгунча, ўз элинда чўпон бўлгунча» ўхшаган ўнлаб мақолу ҳикоятлар бор.

Виз, туркистонликлар, ўз ватанининг жониниздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўллари, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан айбда суярилар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тирлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди».

Ватан, бу биринчи навбатда элдор, сўнг юрtdир. Унинг муқаддаслиги мана шу элу юртинг бирлигида-дир. Чунки дунёда ҳар бир элнинг дунё танийдиган юғурфий ўрни бор. Миллатлар ҳам одамлар сингарини гарчи бир. Одам Атонинг авлодлари бўлсаларда, бир-бирларидан ўз шайху шамобилларидан тортиб феълу саниларигага фарқ қилдилар ва ўз ақлу фаолиятларига қўра жаҳон оиласида мартаба топиб келганлар. Ҳар бир миллатнинг фарзанди бу йўлга имкон қадар хизмат қилган.

Нақл қилдиларки, мўғуллар босқини туфайли юртин ташлаб чиниша мажбур бўлган машҳур Темир Малик ўзи билан бирга ватаниннг бир сиқин тупроғини олиб кетган экан. Унга қаноат қилмай, умрининг поёнида юрта қайтди ва босқинчи қўлида ўлим топибди. Нияти ватанга жон бермоқ экан.

Тақдир тақозосими, феълимиздан бўлдимиз, XVI асргача жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида келган миллатимиз сўнишга юз тутди. Муаззам салтанат парчаланишга тушди. Майда бўлақларга бўлиниб, ўз қобинга ўралиб, ички нияни зою жанжалларга зўр берди. Охир-оқибат дунёдан узалиб қолди. Жаҳон саҳнасида Европанинг талбиркор мамлакатлари чийиб кела бошлади. Оқибат шу бўлдики, Туркистон Россия томонидан босиб олинди.

Нега биз бу қадар ватанин муқаддас тутамиз? Не сир-синоат бор бунда? Шоир айтмоқчи, ўзга элда пахта ўсмайди? Еки биргина бизнинг мамлакат қушлими? Тўғри, аждодларимиз ўз фарзандларига шундай тупроқни мерос қолдирилдики, унинг турган-битгани ха-зина, ости ҳам, усти ҳам. Энг оғир замонларда ҳам, ярим дунёни қақталдиқ қонига тортаганда ҳам бу тупроқда авлодлар жон сақлаб олганлар. Қишдан амаллаб чиққан киши ўлмаган. Эрта қўқламдан кеч кузгача биргина қўн-лўк, мевачеванин ғўн билан кун кўриш мумкин бўлган. Қишда туршак-майизлар... Адад-сиз яёловларини, семиз, ҳосилдор ерларини гапирмай қўя қолайлик. Ленин булардан ҳам кўра, ватанин ватан қиладиган халқидир, миллатдир.

«Фотиҳда бор шундайин аъмол, у ғурурни айлайди поймоқ» деб ёзади Муҳаммад Али. Дарҳақиқат, иш «рўйи заминнинг сайқали» Самарқанднинг юраги Темир мушкетери Кўрсаройни бузишдан бошлади. Миллатнинг шаъни-шукӯди, ифтихорини ташкил этган ҳар қандай моддий-маънавий ёдгорлик оғли-режали йўқ қилиб борилди. Минг йилларча давлат қурган миллатнинг салтанатини осга солдиган деярли бирор нарса қолдирилмади. Тахту тожлар олиб кетилди. Ҳатто фан ва маданият қошоналари ҳам йўқ қилинди. XV аср илмининг мўъжизаси бўлган уч қаватли Улугбек расадхонасининг ўрни XX асрнинг 10-йилларида бахтли бир тасодиф билан топилганини эслаш кифоя.

Тилимизда «нидик қон тузилган», «кўз очиб кўрган» деган иборалар бор. Бу жойларнинг эътибори ўша одам учун ҳар қандай рутбадан баландроқ. Унинг меҳри-муҳаббати ҳар нарса-

Юртинг меҳри, унинг шаъни-шарафи ҳар нарсадан улуг. Азиз. У билан имонли, виждонли миллат фарзандининг муқаддас бурчидир.

Бегали ҚОСИМОВ.

БУГУН БИЗГА КЎП НАРСА КЕРАК, АММО БИЗ БИРОВЛАРДАН ХАЙР-САДАҚА СЎРАМАГАНМИЗ, СЎРАМАЙМИЗ ҲАМ.

ТОШКЕНТ САМОЛЁТЛАРИ ЖАҲОН БЎЙЛАБ ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

Шонли тарих ва аъёнлари бўлган, дунёдаги энг яхши самолётлар ишлаб чиқараётган Тошкент авиация бirlашмасида 50 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилди.

Ўзбекистон пойтахтида ясалаятган тайёралар сайрамининг деярли барча қишлоқларида парвоз қилиб юрибди. Тошкент тайёрасининг ўзига хос белгиси унинг гоёт пухталлиги ва ишончилигидир.



1932 йилда Москва вилоятидаги Химки шаҳрида барпо этилган 84-авио транспорт тайёраси ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу корхона уруш

башлиниши билан шонли равишда Тошкентга кўчирилди. Минглаб кишиларнинг меҳнати ва ғайрати туфайли 1942 йилнинг январидея Тошкент осмонда дастлабки ЛИ-2 тайёраси синаб қўрилди. Завод фашист устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўлди. Урушдан сўнг оммавий равишда ишлаб чиқарилган ИЛ-14, АН-8, АН-12, АН-22, ИЛ-76 русу-

мидаги минглаб тайёралар халқ хўжалигига хизмат қила бошлади. Бу машиналарда бир неча марта жаҳон рекордлари янгиланди. Ўзбекистон авиасозлари ҳозир ҳам корхона шухратини юксак даражада ушлаб туришмоқда. Бирлашма цехларида жаҳонга машҳур ИЛ-76 МД юк тайёралари ишлаб чиқарилмоқда. У нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки олис хоризнда ҳам машҳурдир. Тошкентда ясалган тайёралар Антарктида ва Африка, Жанубий Америка ва Осиё осмонда парвоз эт-

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОРЛАРИГА НАФАҚАТ ОСИЁ БАЛКИ, АФРИКА, АМЕРИКА ВА ЕВРОПАДА ҲАМ ТАЛАБ КАТТА



«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси Ўзбекистондаги энг катта

корхоналардан биридир. 1969 йил Ўзбекистоннинг йирик машиносозлик корхо-

наси тарихида муҳим босқич бўлиб қолган. Шу йили завод конвейеридан пахтачилик уруш 50 от кучига эга тракторлар чиқарила бошлади. Кейинчалик мутахассислар машина тузилишини мутасил такомиллаштириб бордилар. Унинг янги турларини яратдилар.

ФОРС КЎРФАЗИЮ ТИՇ ОКЕАНИГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАН ЙЎЛЛАРИМИЗ

Марказий Осиё Темир йўл бошқармаси бошлигининг эри муовини Норлат ЭМАТОВ билан мулоқот. — Узингизга маълумки, жумҳуриятимиз узоқ йиллар давомида дунёга чинишдан тамомилла маҳрум этиб келинган, — деди суҳбатдошимиз. — Натияжада бошқа қўшн давлатлар билан алоқа оишталаримиз тамомилла узилди. Бугунги кунга келиб эса, ана шу ришталарни қайтадан тикламоққа уриняпмиз. Акс ҳолда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида корхона майдонига «бўй» кўрсатиши жуда қийин нечади. Қолаверса, Президентимиз айтганидек, бундай имконият

бир марта берилди, шундай экан, биз ана шу имкониятни ғанимат билдиб, бу эзуни йўлида бор нучимизни сафарбар этмоғимиз лозим. Албатта, олдимиздаги вази-фаларни амалга оширганми-зга қадар биздан сабр-қаноат, улкан маблар талаб этилади. — Жаҳон майдонига чиқмасдан туриб мустақил давлат сифатида ривожланиш мумкин қийин, дедимиз. Шу йўналиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Бу ҳақда Президент Ислом Каримов жумҳурият ёзувчилари билан бўлган учрашувида гапириб ўтганидан хабаримиз бор. «Мен ҳар

олимизда турган энг катта ғов шундаки, бизнинг коммуникация-миз чатоқ, — дедилар юрт-босимиз. — Иккита темир йўл бор, холос — биридан кийрилади, иккинчисидан чиқарилади. Агар мўлжалдаги учта давловани очиб олсан, биттаси Ҳануьба — Нарочинга, биттаси Ғарбга — Форс кўрфазига, яна биттаси — Ҳингояга чиқарилади. Биринчи йўл республикамизни Термиз — Ҳайратон йўналиши орқали Мозори Шариф билан туташтиради. Ҳозир бу йўналиш бўйича лойиҳалар тайёрланипти. Иккинчиси Туркменистон ва Эрон худудлари бўйлаб Туркия

Бегали ҚОСИМОВ.

Халқ Сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҰРАБОЕВ
ТАҲРИР ҲАЯЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚҰЗНОВ, Эсирғаб БОЛИЕВ (масъул котиб), Эркин ВОҲИДОВ, Миррама МИРАЛИМОВ, Саюхддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўламақ РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб), «Народное слово», Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадқон ҚОРАБОВ, Саидзфәр ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳририятга ҳажми 7 қогоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.